

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 138 (10.191)

2004 ЙИЛ 20 ИЮЛЬ

## ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСКА сўзларда

● **АКМАЛ** Икромов туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида фаол аёллар иштирокида бўлиб ўтган тадбир «Хотин-қизлар кўмиталари — аёллар манфаатларининг ҳақиқий ҳимоячиси ва ифодачиси бўлиши керак» деб номланди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президентини ҳузурдаги стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтини «Ўзбекистон-Япония ҳамкорлик йўлида» мавзуда анжуман бўлиб ўтди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Давлат солиқ кўмитасининг ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда солиқ тизими фаолиятини янада яхшилаш чоралари муҳокама қилинди.

● **БМТ**нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ташаббуси билан «Аҳолишунослик ва тараққиёт йўналишида эришилган ютуқлар» мавзуда тадбир ўтказилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат Жисмоний тарбия ва спорт кўмитасида спорт мутасаддилари иштирокида уюштирилган йиғилишда Туркиянинг Истанбул шаҳрида ўзбек кураши бўйича ўтказилган III халқаро турнирда қатнашган Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларининг иштироки муҳокама қилинди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

## Марказий сайлов комиссияси мажлиси

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси Б.Мустафоев бошқарди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси сайловига тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш ва Сенатни шакллантириш юзасидан Марказий сайлов комиссиясининг ҳаракатлар дастури кўриб чиқилди ва тасдиқланди.

Дастур уч босқичдан иборат. Биринчи босқич сайлов кампаниясини ўтказишга тайёргарлик кўришни ўз ичига олади. Ҳозирги кунда биринчи босқич тадбирлари Марказий сайлов комиссияси томонидан амалга оширилмоқда. Тошкент вилояти, Фарғона, Нукус, Жиззах ва Тошкент шаҳарларида сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари вакиллари, халқ таълими тизими ходимлари учун

«Ўзбекистон қонунлари ва 2004 йилда демократик сайлов ўтказиш механизми тўғрисида» туркум семинар-тренинглари ташкил этилгани бунинг ёрқин далилидир. Бу ишлар изчил давом этмоқда.

Иккинчи босқич Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов кампанияси бошланганлигини эълон қилишдан сайлов кунига қадар бўлган даврни ўз ичига олади. Бу масъулиятли вақт мобайнида мамлакат ҳамда вилоятлар ва туманлар миқёсида сайловчилар рўйхатини аниқлаштириш, сайлов округлари ва участкаларини тузиш, округ ва участка сайлов комиссияларининг сифат жиҳатидан таркибини белгилаш, сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан ҳужжатларни қабул қилиш, Қонунчилик палатаси депутатлигига ном-

зодларни рўйхатдан ўтказиш, улар учун сайловолди кампаниясида тенг имкониятлар яратиш бўйича катта тайёргарлик ишлари ўтказилиши назарда тутилди.

Учинчи босқич эса сайлов кунидан бошлаб 2005 йил 26 февралгача бўлган даврда амалга оширилиб, парламентга сайлов ўтказиш, унинг натижаларини аниқлаш, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биринчи мажлисларини ўтказишни назарда тутди. Олий Мажлис Сенатига сайлов ўтказиш муҳим тадбирлардан биридир. Шу мақсадда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлислари ўтказилади.

Мажлисида Марказий сайлов комиссияси ваколатига доир бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

ЎЗА

## Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатаси сайловига тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш ва Сенатни шакллантириш юзасидан Марказий сайлов комиссиясининг ҳаракатлар дастури тўғрисида

«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»-ги қонуннинг 9, 10-моддалари ва Марказий сайлов комиссияси Регламентининг 9, 10, 28-моддаларига асосан Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатаси сайловига тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш ва Сенатни шакллантириш юзасидан Марказий сайлов комиссиясининг ҳаракатлар дастури тасдиқлансин.

2. Мазкур дастур тегишли давлат ҳокимият органлари, вазирлик, ташкилотлар, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, корхона, муассасалар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ижро этиш учун юборилсин.

3. Ушбу дастур бажарилишининг бориши каттиқ назорат остига олинсин, бу вазифа Марказий сайлов комиссиясининг Раиси Б.Мустафоев зиммасига юклатилсин.

4. Мазкур қарор матбуотда эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий сайлов  
комиссиясининг Раиси  
**Б.МУСТАФОЕВ**

Тошкент шаҳри,  
2004 йил 17 июль

## САЙЁР БАНК ЙЎЛГА ТУШДИ

Ўзбекистон давлат-тижорат Халқ банки ўз мижозларига янада қулайлик яратиш мақсадида кўчма банк фаолиятини йўлга қўйди — «Пойтахт - сайёр банки»ни ташкил этди.

Германия Жамғарма кассалари фонди Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик келишувига мувофиқ қайта жиҳозланган «Мерседес-Бенц» русумидаги автобусларни тақдим этди. Бу автобусларга жойлаштирилган «сайёр банк» аҳолига бевосита жойнинг ўзида банк хизмати кўрсата бошлади.

Кўчма банкда бир йўла мижозлар миллий ва чет эл валютасида омонатлар очили, коммунал ва бошқа тўловларни тўлаши, иш хақи ва нафақаларни олиши, турли валюта айир-бошлаш операцияларини амалга ошириши мумкин.

ЎЗА

## XVI сағоси

Берча маъбаладан  
олинган сўнги хабарлар

### Мамлакатимизда

● **Жиззах** шаҳрида Республика ОИТСга қарши кураш стратегик дастурида белгиланган вазифалар ижросига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

● **Ўзбекистон** Бадий академиясининг Халқаро маданият қарвон саройида Эрон кулчилик санъати кўргазмаси очилди.

● **Беруний** туманида замонавий газ тақсимлаш шохбачаси фойдаланишга топширилиши «Қизилқалъа» овули ва кўшни Эллиқалъа тумани «Шарк юлдузи» овули фуқаролар йиғини ҳудудидаги 500 хонадонда «занғори олов» ёнишга имкон берди.

● **Сурхондарё** вилояти, Денов тумани, Охунбобоев ширкат ҳўжалигида қурилаётган 900 талабага мўлжалланган маиший хизматлар касб-ҳунар коллежи юртимиз Мустақиллигининг 13 йиллигига фойдаланишга топширилади. Ўтган ярим йил ичида бу ерда 1,2 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди.

● **Сирдарё** вилоят «Маънавият ва маърифат» марказида ҳаваскор рассомлар ўртасида «Мафтунокор ранглар олами» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

● «Футболимиз келажаги» мусобақаларининг Навоий вилояти босқичи якунланди.

● «Соғлом оила» спорт мусобақаларининг Қашқадарё вилоят босқичи ниҳосига етди.

### Жаҳонда

● Москва арбитраж судида ЮКОСнинг собиқ раҳбарлари Михаил Ходорковский ва Платон Лебедевлар ўзларига қўйилаётган айбларнинг барчасини инкор этди.

● **Фластин** мухториятининг Ҳазо секторида гаровга олинган икки нафар Франция фуқароси озод этилди.

● **Ҳиндистон** жанубида жойлашган қизлар мактабида чиққан ёгин 80 нафар ўқувчининг ҳаётига зомин бўлди. 100 дан ортиқ ўқувчи қизлар эса қуйиш жароҳати билан касалхонага ётқизилди. Уларнинг бир нечтасининг аҳоли ниҳоятда огир.

● **Непал** ва Бангладешда юз берган қучли сув тошқинлари натижасида 18 миллион киши бошпанасиз қолди.

● **Лондонда** ўтказилган Bonhams ким ошди савдосида 1,7 минг йиллик шиша идиш рекорд сумма — 4,91 миллион АҚШ долларига сотилди.

## Иқтисодий

СИФАТЛИ,  
ХУШБЎЙ  
ЧОЙЛАР

Тинмай изланиш, махсулотларнинг бозоригир, харидор дидига мос турларни кўлайитириш бугунги давр талабидир. Пойтахтимизда фаолият юритаётган «Golden Dragon Tea» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасида ҳам ана шундай изланишлар самараси ўлароқ яна бир кўк чой турини кадоқлаш йўлга қўйилди.

Мазкур корхона бундан 2 йил аввал иш бошлаган бўлиб, унинг Низоом жамғармаси 200 минг АҚШ долларига тенг ҳамда 1 йилда аҳолига сифатли, хушбўй, шифобахш хитой чойларини 0,5 миллион қути-си қадоқланмоқда.

Юртингизда хорижий тадбиркорларга яратилган қўлай шарт-шароитлардан самарали фойдаланган ҳолда, - дейди «Golden Dragon Tea» қўшма корхонаси бош директори Бай Йипинг, - Хитой давлатининг чой плантацияларида етиштирилган сара махсулотлардан 100 дан ортиқ турларини келтириб сотишдан ташқари, чой қадоқлашни ҳам йўлга қўйдик.

Жорий йил охиригача қўшма корхона тадбиркорлари цехларда ўрнатилган замонавий, юксак унумли дастгоҳ, ускуналарга таянган ҳолда 20 хилдаги чойларни кадоқлаб нафақат юртимиз, балки Россия ҳамда Украина давлатларига ҳам экспорт қилишни режалашганлар.

КОРХОНА-  
НИНГ ЯНГИ  
МАХСУЛОТИ

Аниқ мақсадлар асосида иш юритиш, ташаббускорлик, янгилликка ўчлик, албатта ўз самарасини бермай қолмайди. Ҳамза туманидаги «Muhandis service» масъулияти чекланган жамияти ҳам ички бозорларидида сифатли махсулотлари билан ўз ўрнига эга.

Яқин кунларда жамиятимизнинг бизнес-режасига асосан, - дейди жамият бошқаруви раиси, «Ташаббус-2004» кўрик-танлови туман босқичининг ғолиби Борис Тен, - технологияга қатъий амал қилинган ҳолда тайёрланган янги махсулотимиз - «ўян батареялар бозорига чиқарилади. Эътиборли томони, ушбу махсулот 100 фоиз маҳаллий хом ашёдан тайёрланмоқда.

Мазкур корхона илчи-хизматчилари 1998 йилда иш бошлаган бўлсалар, бугунги кунга келиб бутун республика бўйлаб мижозларнинг буюртмаларини сифатли, ўз вақтида бажариши билан уларни мамнун қилмоқдалар. Масалан, жамият цехларида сув насослари учун таркибий қисмлар, люк, полиэтилен идишлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган дастгоҳлар тайёрланади.

Корхона жамоасининг янги махсулоти ҳам ўз мижозларини топишига шакл-шубҳа қилмас ҳам бўлади. Чунки ҳар бир янги махсулот тадбиркорларнинг узоқ изланишлари, саъй-ҳаракатлари, ғайратлари тўғриси «дунёга келади». Тўғри йўлини топиб олган жамият аъзолари янги-янги рақобатбардош махсулотлар яратишга астойдил бел болаганлар.

Муҳаббат

ХАБИБУЛЛАЕВА

## 2004 — Меҳр ва мурувват йили

## МАЪРИФАТ ИСТАР КЎНГИ

«Меҳр ва мурувват йили» дастури доирасида уюштирилётган кўрик- танловлар инсоний кадрятларни янада камол топтириш, ўз-ўзига ишонч руҳи, миллий гуруҳни мустақамлаш, меҳнатқашларнинг маънавий тарбиясини оширишга қаратилган.

Қадимий бой тарихга, маданий меросга эга бўлган миллатимизнинг асрлар давомида шакллантириб келган ахлоқ-оқо-би, меҳр-мурувватлиги, маънавий-маърифий камолотининг қирраларини янада ошириш ва уни корхоналардаги бадний жамоаларнинг чиқишлари орқали кўрсатиш мақсадида «Умид» номи IV Республика кўрик-танлови эълон қилинган эди. Ушбу кўрик-танловда шаҳар касабаси уюшма кўмитаси корхона ва ташкилотлари ҳам фаол иштирок этдилар.

Кўрик-танлов шартларига кўра иштирокчилар ўзларига маъқул йўналишда бадний жамоани, корхона фаолиятини ёритиб бердилар. «Ахлоқ-оқо би инсон зийнати» мавзусида «Одобнома»га оид саволларга жавоб бердилар. «Меҳр кўзда» шартини бундан «Меҳр ва мурувват йили»га бағишланган саҳна кўринишини намойиш қилдилар

ва саҳнавий клип кўрсатдилар. Ҳакамлар ҳайъати тўнланган баллар натижаларига кўра биринчи ўринни «Бош кийимлар фабрикаси» акциядорлик жамияти жамоасига, иккинчи ўринни «Сувсоз» давлат унитар корхонаси жамоасига, учинчи ўринни «Супертекстиль» қўшма корхонаси жамоаларига бердилар ва ушбу жамоалар пул мукофотлари билан тақдирландилар.

Республика IV кўрик-танловида Тошкент шаҳридан қатнашган «Бош кийимлар фабрикаси» акциядорлик жамияти жамоаси фахри дўртинчи ўринни эгаллаб, қимматбаҳо совғаларга эга бўлиб қайтди.

Бугунги кунда касабаси уюшмалари кўмиталари оммавий спорт ишларига аҳамиятни кучайтирмоқдалар, корхона, ташкилотларда шахмат, шашка, мини-



## Алоқа

ВАҚТИНГИЗ ВА  
ПУЛИНГИЗ ТЕЖАЛАДИ

Ҳозир Ўзбекистонда 1,6 миллионга доимий телефон линиялари бўлса, булардан уяли телефондан фойдаланувчи абонент сони 300 минг нафарни ташкил қилади. Юртимизда 25 миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қилса, ҳисоб-китобларга кўра телефон хизматидан бор-йўғи улардан 9 фоизи фойдаланишар экан.

паниyasi муассислигида янги «Тошкент таксофони» қўшма корхонаси ташкил қилинганди. Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб ушбу корхона Solan карточкали универсал таксофонлар хизматини тақдир этди. Ушбу таксофонлар барча замонавий талабларга жавоб бериб, махсус телефон карталари ёрдамида маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телефон аппаратлари, шу жумладан уяли телефон аппаратлари орқали дунёнинг барча нуқтасига кўнгирок қилиш мумкин.

«Solan International Communication Services» компанияси ва «Ўзбектелеком» акционерлик жамияти янги корхона учун 300000 АҚШ доллари миқдоридида маблағ ажратди. Бу маблағ эвазига жорий йилда дастлаб шахримиз-

да карточкали таксофонларнинг 100 таси ўрнатилди. Ҳозирга келиб эса бу кўрсаткич 200 тага етди.

— Яқин беш йил ичида Ўзбекистонда бундай таксофонларнинг яна 50000 таси ўрнатилади, — дейди «Solan International Communication Services» компанияси президенти Яков Солан. — Яъни, янги қўшма корхона ўз хизматини нафақат Тошкент шаҳрида, балки республиканинг барча худудларида амалга ошириш ниятида.

Қўшма корхона томонидан ўрнатилган янги аппаратлардан фойдаланишнинг асосий қулайликлари шундаки, ҳеч қандай жетон ва чақа пуллар керак бўлмайди, фақат махсус телефон карточкалари абонентларнинг узоғини яқин, оғирини енгиллашти-

футбол, енгил атлетика, стол тенниси бўйича мусобақалар ўтказиб келинмоқда. Шаҳар касабаси уюшма кўмитаси доимий равишда спартакиадалар ташкил қилмоқда.

Чунончи, шаҳар терма командаси Ўзбекистон енгил, мебель саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касабаси уюшма хизмати доирасидаги «Ўзбек-кенгилсаноат» давлат ҳиссалдорлик компанияси, «Ўзбекипага» уюшмаси, «Ўзбек-чармпойабзал» уюшмаси, «Ўзбеккоммуналхизмат» агентликларини тизимидаги корхона ва ташкилотлардаги меҳнатқашлар ва ёшларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш мақсадида «Меҳр ва мурувват йили»га бағишлаб республика соҳа бешинчи спартакиадага ўтказилди. Ва унда иштирок этган терма жамоамиз умумкоманда ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Мусобақа якунлари бўйича иштирокчилар турли даражадаги дипломлар ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Қобил РИЗАЕВ,

Тошкент шаҳар енгил мебель саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касабаси уюшма кўмитаси ташкилий бўлими мудири.

ришга хизмат қилади.

Ҳозирда «Тошкент таксофони» қўшма корхонаси томонидан 10 units, 25 units, 50 units, 100 units, яъни 1000, 2500, 5000, 10000 сўмлик телефон карточкалари ишлаб чиқарилмоқда. Абонент томонидан сотиб олинган бундай карточкалардан Ўзбекистоннинг барча худудларида фойдаланиш мумкин.

Янги корхонанинг таксофон аппаратлари тўқ сариқ рангда ва қора ёзувларда ишлаб чиқарилган бўлиб, бу ҳар қандай абонентларнинг эътиборини торттиши табиий. Бу таксофон аппаратининг яна бир қулайлиги шундаки, абонентдан ташқари бошқалар ҳам 02, 03, 01 хизматларидан бепул фойдаланишлари мумкин. Корхона шунингдек, шаҳарлараро ва халқаро телефон хизматларидан 30 фоиз чегирма билан фойдаланишга имкон берувчи VIP хизматини ҳам тақдир қилади. Эндиликда Solan таксофонидан фойдаланувчилар ўз қимматли вақтларини алоқа бўлимларида телефон қарзларини тўлашга сарфламайдиган бўдилар.

Орзугул РУСТАМОВА  
СУРАТДА: абонент сифатли алоқа хизматидан мамнун.

ПЕДАГОГЛАРНИНГ  
СЕВИМЛИ  
МАТБУОТИ

Республикамизда қуйи матбуот ҳам ривож топиб бормоқда. «Маърифат йўлида», «Педагог» деб номланган кўп нусхали газеталар ҳам ўзларининг кўп сонли ўқувчиларига эга.

Тошкент Давлат педагогика университети-нинг матбуот наشري ҳисобланган бу газеталар чиқа бошлаганига ярим аср бўлди. Шу элик йил давомида мазкур нашрлар саҳифаларида кўплаб қизиқарли мақоалар чоп этилди. Олий ўқув юртининг жўшқин ҳаёти мунтазам равишда ёритиб борилмоқда.

Профессор-ўқитувчилар, кўнгилдорли талабаларнинг изланишлари, олий ўқув юртида қарор топган яхши аъёналар ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Ёш ижодкорлар саҳифалари ҳам газетхонларда қизиқарли уйғотмоқда. Бу ҳар иккала матбуот наشري кўп нусхали газеталар бўйича ўтказилган танловларда бир неча бор ғолиб деб топилди.

Акбар АЛИЕВ

Ўзбекистон ва хорижий давлатлар ўртасидаги маданий алоқаларни ривожлантириш, миллий аъёналаримизни чет элга тарғиб қилиш, шунингдек, ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Россия пойтахти Москвада жорий йилда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармаси» ташкил этилганди. Яқинда Тошкентда ҳам мазкур жамғарманинг ваколатхонаси рўйхатдан ўтказилди. Унинг ташаббуси билан пойтахтимизда Ўзбекистон ва Россиялик санъаткорлар иштирокида концерт берилди.

## ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси но-сиёсий жамоа ташкилоти ҳисобланади. У ўзбек халқининг маданий тарихий меросини тарғиб қилиш, уни асраш ва ривожлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Ушбу жамғарма Ўзбекистон ва Россия давлатларининг зиёли ижодкорлари ташаббуси билан ташкил этилди. Унга машҳур кинорежиссёр Малик Қаюмов, Ўзбекистон халқ-рассоми Акмал Нур, сиёсий фанлар доктори Гулнора Каримова, театр ва кинонинг етакчи артистлари, машҳур опера қўшиқчилари каби фан ва санъатнинг тур-

ли йўналишларида фаолият юритаётган қатор мутахассислар аъзо бўлишган. Жамғарма жойларда турли тадбирлар, кўрғазма, концерт дастурлари, мусиқа фестиваллари ўтказиш, театр ва кинолар намойиш этиш, халқаро анжуман ва симпозиумлар ташкил этиш орқали ўз фаолиятини юритади. Жамғарма фаолияти доирасида пойтахтдаги «Халқлар дўстлиги» саройида Россия, Италия ҳамда ўзбек эстрадаси намояндалари иштирокида катта мусиқа фести-вали ўтказилди.

Алоуддин ҒАФҒОРОВ,  
«Туркистон-пресс»



## “ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА ФИКРЛАР”

Яқинда Туркия парламенти депутати, таниқли профессор-теолог Нури Озтурк Ўзбекистонда меҳмон бўлди. Ўз юртига қайтгач, у мамлакатимизга сафари таассуротлари-ни Туркиянинг машҳур “Стар” газетасининг бир неча сонида юқорида зикр этилган сарлавҳа остида чоп этди. Куйида Туркия парламенти аъзоси, олим кузатувларининг баъзи жиҳатлари эътиборингизга ҳавола этилаётми.

“Шу йилнинг июнь ойида биринчи марта Тошкентда бўлиб, мамлакатни зиёрат қилдим. Шаҳарни сайр қилар эканман, ободонашти-риш ишларига ҳақори даражада эътибор бе-рилаётгани, айниқса, метронинг жаҳон талаб-ларига жавоб бериши менда катта таассурот қолдирди.

Ўзбек аёлларининг замонавий кийиниши-га қараб, ҳаёлимдан “бу ерда диний фанати-зм йўқ ва ҳеч қандай таъсирга эга эмас”, деган фикр ўтди. Ўзбекистонда замонавий тарзда таълим олиш учун барча шароит мав-жудлиги диққатга сазовордир.

Ўзбекистон сарҳадлари Англия, Бельгия, Дания, Швейцария ва Австрия ҳудудларини кўшгандан ҳам катта. Мамлакат хом ашё ба-

заси 3,5 триллион АҚШ долларини ташкил эта-ди, юздан ортиқ минерал ресурслари, жум-ладан, газ ва нефть заҳиралари мавжуд. Бу-ларнинг барчаси хорижлик сармоядорлар эътиборини ўзига жалб қилади.

Ўзбекистон ислом дини ва маданиятининг бешиги ҳисобланмиш мамлакатлар сираси-га қиради. Бухоро, Самарқанд ва Фарғона каби шаҳарларда ислом маданиятининг буюк намунадалари ашаб, ижод қилганлар.

Ўзбекистон фуқароларига фахр-ифтихор туйғусини бахшида этакдан ҳар бир нарсда мамлакат Президенти И.А.Каримовнинг ҳиссаси борлиги сезилиб туради. Юртбоши ҳақида сўз кетганда, унинг қатъийлиги, удда-буронлиги ва донолиги тилга олинади. Ўзе-

кстон раҳбарининг ҳақиқатан ҳам шундай си-фатларга эга эканлигига мен ҳам амин бўлдим.

Президент И.А.Каримов ўз мамлакатини ҳар томонлама, жумладан, иқтисодий жиҳат-дан ҳам мустақил бўлиши тарафдоридир. Шунинг учун у чет мамлакатлардан қарздор бўлмасликка ҳаракат қилади. Шу ўринда дав-лат раҳбарининг “Истиқлол иқтисодий мус-тақиллик билан бирга мустақамлананди”, деган сўзларини келтириш ўринлидир.

Ўзбекистон Президенти радикал динчилик-ни тарғиб қилаётган давлатлар билан кўшни бўлишига қарамай, ўз мамлакатидега ислом дин-идан салбий мақсадларда фойдаланишга йўл қўймаган иродали раҳбардир. Тошкент ислом университети ва Мусулмонлар диний идорасига ташриф чоғида Ўзбекистонда ҳақиқий, яратувчан ислом эътиқоди ҳукм су-раётганига ишонч ҳосил қилдим.

Ўзбекистон Президентининг мамлакатда диний сепаратистик оқимлар ҳаракатига қатъ-ий чек қўяётгани нафақат Марказий Осиёнинг барча республикалари, балки Туркия учун ҳам ибрат бўлиши керак, деб ҳисоблайман”.

“Жаҳон” АА

Саъдий

## «РЕКВИЕМ» ИЖРО ЭТИЛДИ

Машҳур италян композитори Верди ижоди намуналаридан республика мусиқа шинавандалари ҳам баҳраманд бўлишмоқда. Улкан санъаткорнинг «Реквием» деб номланган симфонияси эса яқинда пойтахтлик мухлисларга тақдим этилди.

Ҳап шундаки, ушбу жозибадор мусиқа яратилганига 130 йил тўлди. Шу муносабат билан у Ўзбекистон миллий симфоник оркестри концерт дастуридан ўрин олди.

Ўзбекистон Давлат консерваториясида ташкил этилган концертда Вердининг бу асари ижро этилди. Давлат хор капелласи ҳам ўз маҳоратини намойён қилди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, ушбу концерт Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта опера ва балет театри репертуарига киритиладиган бўлди.

## ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШ- ЛАРГА БОЙ

Ўзбекистон Ёшлар театри ўзининг 76-ижодий мавсумига яқун ясади. Ижодий изланишларга бой бўлган шу давр ичиде саҳна усталари ўнга яқин спектаклни мухлис-ларга тақдим этдилар.

Актёрларнинг чет эл гастроллари ҳам яхши ўтди. Москвага қилинган ижодий сафар ҳам кўпбал томошабинлар эътиборини ўзига тортди.

«Золушка» постановкаси мавсумнинг сўнгги спектакли бўлди. Республикада хизмат қилган артист Г.Мустафин постановка қилган бу саҳна асари театрининг янги ижодий мавсуми репертуаридан ҳам ўрин олади. Шунингдек, ижодий жамоа навабатдаги постановкаларни саҳнага олиб чиқиш режасини бел-гилаб олди.

## ЁШЛАР ҲАЁТИГА БАҒИШЛАНДИ

Кино санъатининг мусиқали мелодрама жанрида яратилган фильмлар ҳам томошабинларда қизиқарли уйғотмоқда. «Кўзларинг маънос» деб номланган янги экран асари ҳам шу жанрда суратга олинди.

Ёшлар ҳаётига бағишланган мазкур бадиий лен-тага истеъдодли санъаткор Рустам Саъдиев режиссёр-лик қилди. Фильмдаги об-разлар Мурод Ражабов, Гулчехра Носирова каби актёрлар томонидан ижро этилди.

Фильмга ёзилган мусиқа, яратилган декораци-ялар ҳам «Кўзларинг маъ-нос»нинг бадиий қимматини оширишга хизмат қилди.

Мираббос РУСТАМОВ

— Кейинги пайтда, — дейди яна

бир йўловчи Мавлуда Зиёдова куй-иниб, — ҳайдовчи ва чиптачилар ажойиб «ағрафи» тузиб олишган. Оралликдаги вақтга ҳам ҳеч қандай риоя қилинмайди. Ўзидан кейин кел-ладиган автобуснинг қораси кўрин-магунча асло жойидан жилмайди. Ана шунда ҳам ҳайдовчи ва чипта-чилар обдон бир-бири билан «таш-

қондани ҳам ўзининг чиқарадиган одамлари бор, гапингиз бўлса ўша-си билан айтин», дея жажл қилди. «Ин-соф ҳам керакда, кўриб турибсан-ку, қари чоллигини...» дея тушиб кет-таётсам, ҳайдовчи «Автобус ҳайдаб, кунига бизга ўхшаб 82-83 минг сўм режа топширсангиз, ана шунда бў-ласиз. Ҳозир режани бажармагунчи-мизча автосаройга қўйишмаяпти»,

ҳамшаҳримиз Муассар Каримова, — ўзим ҳозирча ёш болам тарбия-си билан уйда ўтирибман. Турмуш ўртоғим ўқитувчи, 3 хонали уйда яшаймиз. Ҳўжайимнинг ойлик маоши болаларимга ойлик чиптага коммунал харажатлар тўловиға ета-ди, холос. Албатта, ўқувчи ва тала-балар учун имтиёзли ойлик йўл чип-талари чиқарилаётганлиги жуда яхши, бундан миннатдорим. Лекин мактаб ва лицейларга қатновчи ўқувчи болаларга, шу билан бирга пенсионерларга янаам имтиёз за-рурмикин? «Тошшаҳарйўловчи-ранс» мутасаддилари ҳам бу ҳақда озгина ўйланса бўлмайдики? Ахир эртамиз бўлган фарзандларимиз-ни кўлаб, кексаларга меҳр-оқибат қўратиш савоб ишку.

Тўри, «Тошшаҳарйўловчи» тран-сакциядорлик компанияси йўловчи ташвиш танарҳи доимо шаҳар ҳоки-мийати, республика ҳукумати ва Молия вазирлиги томонидан назор-ратга олинган бўлиб, компания ўзбо-шимчалик билан шаҳар транспор-тида йўлқира белгилаш ваколатига эга эмас. Лекин йўловчилар фир-мулоҳазалари, ҳамшаҳарларимиз эътиҳодларини ҳисобга олиб ўзлари-нинг тақлифларини йўлқира ҳақини белгиловчиларга билдирса бўлади-ку. Ахир халқимизда «Чикмаган жон-дан умид» деган нақл бор. Негаки, халқимиз болажон, сарфрандлик-ни сунди. Ҳар бир хонадан икки-учтадан ўқувчи бор...

Ундан кейин йўлқира бир неча бор ошишига қарамай, хизмат си-фатига ўзгаришлар ҳам кўринаёт-ти. Бу эса йўловчиларнинг ҳақини эътирозларига сабаб бўлмоқда. Бу билан компания ходимлари кўл қовуштириб ўтирибди, деган фикр-дан йироқимиз. Мавжуд муаммолар-ни «каловини топса, қор ҳам ёна-диган» қилиб ҳал этиш лозимми-кан, деб ўйлаймиз. Нима бўлганда ҳам ишда сифат бўлмаса, йўловчи (истеъмолчи) талаб ва тақлифла-ри ҳам инобатга олинмаса эъти-розлар бўлавереди, ишда силжиш бўлмайди. Бизнингча, йўлқира тўла-лиғича кассага тушса, бу борда нафақат ҳайдовчи, балки йўловчи-лар ҳам (айрим «куён»лар) қайгу-ришса, транспорт воситаларини авайлаб-асрашга ҳар иккала томон ҳам бирдек эътибор қаратса, бу ҳаммаимиз учун фойдалли бўлади.

Йўлқирани ошириш баробарида асосий мақсадга, яъни йўловчи-ларнинг узоғини яқин қилиш, мам-лакатимиз мустақиллигини мустақ-лаштиришга йўлқира барча жаҳаларда тер тўкаётган ҳамшаҳарларимизга, эртаимиз давомчилари бўлган ўғил-қизларимизга қўлайлик яратишга ташаббуқдорлик билан иш юритиш орқали эришилса, айни муддао бўлади.

Бу, албатта йўловчиларнинг фикрлари, бизнинг мулоҳазалари-миздан бир шингили холос. Хуло-сани эса ҳар икки тараф ҳамжиҳат-ликда чиқариши лозим. Чўпчи «мен-га нимаю» «сенга нима»лар муам-молар ечимини топмада фақат тўсиқ бўлади, холос.

Шариф ИЛЁСОВА

Мулоҳаза

## ХИЗМАТДАН ЙЎЛОВЧИЛАР МАМНУНИМИ?

Қизиқ, ҳозир барчанинг асаби таранг, ёшдан тор-тиб кексагача. Айниқса, буни шаҳар жамоат тран-спортида кузатсангиз, бир кунда ўнлаб ана шундай асабубазарликларнинг гувоҳи бўласиз. Баъзида эса кимнинг ҳақлигини, яъни йўловчини, ҳайдовчини, чип-тачини билловмай, айбдорни аниқловмай сизнинг асабингиз таранглашади.

лашиб» олишади. 37, 93, 68, 7-ав-тобуслар эса бир-бири билан «пой-га уйнаб» йўловчилар асабига те-лади. Тўриси чиптачиларнинг кўчи-лигида хизмат маданияти етишмай-ди, йўловчилар билан қўпол муома-лада бўлишади.

Шу ўринда ўзим гувоҳи бўлган воқеаларни келтирсам ўринли бўлади. «Жанубий» вокзал шохбе-катидан «Юнусобод» қатнови 60-автобуга ўтирдим. Эътирозга ўрин йўқ, ушбу йўналишда чипта сотув-чилар ўз вазифасини доимо адо этишадди. Лекин ушбу «тезорор» автобус оидийга айланганда қатнов бироз камайгандай кўринади, нега-ки автобусларни бекатда анча ку-тишга тўғри келади. Еки йўл қозоғи-ни олган ҳам, кейинги автобус орқ-асига тиралмагунча жойидан жил-майди. Нозимхона ходимлари эса белгилаб беришса бўлди, автобус-нинг қачон юриши билан иши йўқ — буёғи ҳайдовчининг хоҳишию талаб-ишига қараб қилинган иши.

Шу йўналишларнинг бирида эр-талаб ёшгина чиптачи йигит йўлки-ра йўлга бошлади. Менинг ёнимда ўтирган 70 ёшлар чамасидаги чол «Н» деб ёзилган ойлик йўл чипта-сини кўрсатиши билан йигит тўто-қиб кетди ва унинг қўлидан чиптани тортиб олиб «Пенсия дафтарчангиз бўлмаса бу чиптангиз бир тийин, қани пулини тўланг», деди. Чол қан-дайдир ҳужжат кўрсатди, лекин чип-тачи бундан ҳам қониқмади. Чол қал-тиллаган қўллари билан 100 сўм узатган (ахир ойлик қарточкани оли-ши керакку, у ҳам 7 минг сўмдан зиёд пул) «Бошқа қайтарилмасин» дея қўлига бериб, яна алланамма-лар деб ўлдириб ҳам қўйди. Бу ора-да икки-уч бекат ўтиб тушадиган бе-катим ҳам келиб қолибди. Ўзимни қанча босишга ҳаракат қилмайчи-ди, автобуснинг тўқилишчилигини ба-хона қилишадди. Бу биргина мисол. Балки шу сабабли ҳам, йўлқира кас-сагамас, балки кассага тушиб ке-таётганлиги ҳам унинг ошишига сабаб бўлмагунмикин?

деди норози оҳангда.

Шу ўринда бир савол туғилади: ахир қанча ойлик йўл чипталари чи-қарилади, ундан фойдаланувчининг сони (таҳминан бўлсада) «Тошша-ҳарйўловчи» тран-с» акционерлик компанияси мутасаддиларига маълум бўлса, йўловчилар оқими ўрга-ниб борилса, нима учун ана шунга қараб ҳар бир маршрутга режа бел-гилаб берилади? Ҳар холда ўрганилар... Лекин унда нима учун ҳайдовчилар ҳаммиша ана шу режадан норози бўлишади, буни ҳар доим эслатиб туришадди. Автобусларнинг бир-бир-ларини қувуши, бекатларда кўпроқ ту-риб қолиш, ҳар бир бекатда эса ан-чагина «дам олиш» холлари содир бўлганда, йўловчи (истеъмолчи) норозилик билдирса, албатта ана шу «план» биринчи ўринга чиқади, «Бизда ҳам план бор» деган гап такрор-такрор айтылади.

Яна шундай ҳайдовчи ва чипта-чилар борки, ойлик йўл қарточка-ларини кўрса фигони фалакка чи-қади, ҳаттоки талаба ва ўқувчилар гавжум бекатларда тўхтамай ўтиш холларини ҳам ҳеч қим инкор этол-майди. Ахир ана шу ойлик йўл чип-тасининг пули нақд кассага туша-дику. Уни йўловчилар эмас, балки йўловчиларга қўлайлик яратиш мақ-садида мутасаддилар режалашган-ку.

Яна бир воқеа. Трамвайга чиқ-қан қизча (биринчи) 2-синф ўқув-чиси бўлса керак) чипта сотувчини қўрди-ю орқа тарафдаги ўриндикқа бориб ўтирди. Чиптачи яқинлашган сари кўзлари безовта бўларди. «Кеча, сенга пулинг бўлмаса чиқ-ма», дедимку, кейинги бекатда ту-шиб қолсан», дўқ урди чиптачи аёл ўрчисчалаб. Кўржиб кетган қизча қўлларидега гижимлашиб кетган 100 сўмликни чиптачига узатиб, қўла-рини жовдиради. Унга раҳиман келди. Балки у ўша пулни ойисқондан зўрга ялиниб, мактабда ўртоқлари син-дари бўлочка ейишга олгандир...

— Бир ўғлим коллежда, икки қизим мактабда ўқийди, — дейди

Ҳап нима ҳақда кетаётганини зукко газетчон аллақачон англаб етди. Ҳа, гап тез-тез охиб бораёт-ган йўлқира ана шунга яраша хиз-мат маданиятининг ҳам қай дара-жадалиғи ҳақида. Одатда ҳар сафар йўлқира ошар экан, автобус, трам-вай, троллейбус салонларига бир хил эълонни ёпиштириб қўйилади, унда фақат йўлқира кўрсатилаган рақам ўзгарилади, холос. Яъни, ёқилғи-мойлаш ашёлари, электр энергияси, эҳтиёт қисмлар ошгани ва ҳоказо. Лекин шунга яраша хиз-мат маданияти ошайптими, жамо-ат транспортининг намунали хизма-тидан аҳоли мамнун бўлаётими?

Тўғри, мустақиллик шарофати билан барча жаҳаларда содир бўлаётган ижобий ўзгаришлар транспорт соҳасида ҳам яққол кўзга ташланади. Айниқса, кейинги йиллар-да пойтахтимиз кўчаларида ҳамша-ҳарларимиз ва унинг меҳмонлари узоғини яқин қилаётган замонавий транспорт воситаларига гап йўқ, Энг муҳими эса шаҳримиз кўчалар-и жамолли, равои йўл ҳамда мус-таҳкам қўприкларнинг бўлиб этили-ши ана шу транспорт воситалари-нинг ҳаракати, намунали хизмат кўрсатиши учун қўлайликдир, десак асло мулобаға бўлмайди. Буларнинг барчаси қанча-қанча маблағ, сер-машаққат меҳнат эвазига, албат-та.

Ҳозирги кунда истеъмолчилари-мизнинг дид ва эътиҳодлари ортиб бораётганлиги ҳеч кимга сир эмас, бунинг устига улар ўз ҳуқуқларини яхши билишга интилишмоқда. Ал-батта, бу қувонарли ҳол ҳисобла-ниб, ишлаб чиқарувчи хизмат кўрсатувчилардан сифатта эътибор қаратишни тақозо этмоқда. Бундан яна юқоридега савол келиб чиқади. Жамоат транспортининг моддий-техник базасининг мустақамланган-ли — замонавий транспорт воси-талари қатнови, янги йўналишлар-нинг очилиши сифатли хизмат кўрсатишга гаров бўляптими?

— Албатта, қўлай, шинам авто-буслар йўловчиларнинг хизматида бўлиши яхши, — дейди ҳамшаҳри-миз Махмуд Воситов. — Лекин ҳаммиша ҳам ҳайдовчию чиптачилар ўз вазифаларини сийдиқидилан ба-жараяпти, деб бўлмайди. Бозор икки-сондети шароити. Йўлқираларнинг ошаётганлиги, албатта, аҳолига қўлайликлар яратиш, узоғини яқин қилишда, сифатли хизматни ташкил этишда муҳим аҳамият касб этмоғи лозим. Мен ўзим ҳар кун фойда-ландиган «Амир Темур шохбекати — Сувос» даҳаси йўналиши бўйи-ча қатновчи 7- «Жанубий» темир йўл вокзали — «Кўйлик-5» даҳаси йўналишидаги 55-автобусларда кам-дан-кам ҳолларда чипта сотилади. Улар ҳаммиша охири бекатда йўлов-чиларни бирма-бир санаб тутиради, фақат пул йиғишадими чиптадан эса дарак йўқ. Бирор нарса десан-гиз, автобуснинг тўқилишчилигини ба-хона қилишадди. Бу биргина мисол. Балки шу сабабли ҳам, йўлқира кас-сагамас, балки кассага тушиб ке-таётганлиги ҳам унинг ошишига сабаб бўлмагунмикин?



Музоаба

«МУХЛИСА ҚИЗ» ТАДБИРКОРЛАРИ

Мустақиллик ҳамюртларимизга ҳар бир соҳада тадбиркорлик билан иш юри...



Бугунги кунга келиб 160 дан зиёд кишини иш билан таъминлади. Келгусида эса сафимизни янада кенгайтириш ниятимиз бор.

— Курувчилик - шарафли касб. Бунга аввало юртимизда қад ростилаган ҳар бир иншоот...



юбордик. — Кимлар билан ҳамкорлик ишдаги муваффақиятингизда муҳим омил бўлмоқда?

— Иш ҳақининг ортишига нима сабаб бўлди: сифатга эътибори ёки бунёдкорлик кўлами юқорилигими?

— Бугун сиз билан Чорсу буюм бозорида қурилаётган яна бир — «Иссиқ таомлар» бозорчасида суҳбатлашиб турибмиз. Ушбу объект ҳақида маълумот берсангиз.

— Бу албатта, биринчи навбатда сифатга қаратилган, буортмачи талабини ўз вақтида адо этиши...


— Келгусида қўзланаётган марралар қандай? — Жорий йилнинг ўтган ярмида 3 миллиард сўмлик пудрат ишларини бажаришга эришдик.

Суҳбатдош Шарифа МАНСУРОВА СУРАТЛАРДА: «Мухлиса қиз» хусусий фирмаси бунёдкорлари қуриш ва яшатиши икки билан меҳнат қилишмоқда.

Албатта, айна кунларда Эски шаҳарни янада обод этиш, ушбу ҳудудда яшовчиларга ҳар томонлама қулайликлар яратиш...

— Бу борада, айниқса ёзинг иссиқ кунларида ўзига хос фидоилик билан ҳукуматимизнинг Эски шаҳарликларга қўришаётган...

— Фавворанинг бетақорор жили бошқармаси бригада бошлиғи Шухрат Раҳимов. — 2 сменада фаолият кўрсатган бригадамиз аъзолари асосан пардозлаш юмушларини бажаришди.



Ана шундай фаввораларни бунёд этишда эса изланувчан лойиҳачиё муҳим қўли гул бунёдкорларнинг муҳим хиссаси бор, албатта.

— Фавворанинг бетақорор жили бошқармаси бригада бошлиғи Шухрат Раҳимов. — 2 сменада фаолият кўрсатган бригадамиз аъзолари асосан пардозлаш юмушларини бажаришди.

«СОВГАЛАР»НИНГ СОВФАСИ

Оддий қурилиш ашёларидан кўзни қувватловчи ажойиб иморатларни барпо этаётган кўли гул бунёдкорларимизнинг меҳнатлари албатта таҳсинга лойиқ.

Пойтахтимизнинг Халқлар дўстлиги ҳамда Муқимий кўчалари кесилган жойлар атрофидаги 40 сотихли ер майдонларида илгари қаровсиз бўлган ҳудудда қад ростлаган кўркам бино бунга ёрқин мисолдир.

— Асосан уч қаватли замонавий кўришидаги бу мажмуанинг барпо этилишида «Совгалар» фирмасининг қурувчилари бош-қош бўлиши. Утган йили қурилиш-тиклаш ишлари бошланган савдо мажмуаси ҳозирда фойдаланишга топширилди.

имкониятига эга. Шунингдек, савдо мажмуасининг биринчи қаватида «Парфюмерия» дўкони, ёзги ва мавсумий кафелар ҳамда миллий таомлар сотиладиган галерея ўрин олган.

